



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-6>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич

ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА «РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ» (DIGITAL LAW) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА БА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....5

2. Aminov Dalerjon Alisher o'g'li

O'ZBEKISTONDA HUQUQIY TA'LIM VA AMALIYOT HAMKORLIGINING ZAMONAVIY MODELLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....34

3. Зулунов Махсудбек Махаммаджонович

ФОНДЛАР МУЛКИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ.....41

4. Азизов Иқболжон Гулямович

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА БЕРИШ УЧУН ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИ.....50

5. Жураев Анваржон Ильхомжон угли

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА МАХАЛЛИ И ЕЁ РОЛЬ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННЫХ ВИДОВ ТУРИСТИЧЕСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.....58

6. Алтиев Раззоқ Саидович

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....67

7. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ТУШУНЧА, ТАСНИФ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....79

8. Ismoilov Shoxabbos G'ayratjon o'g'li

JINOYAT KODEKSI UMUMIY VA MAXSUS QISMLARI NORMALARI RAQOBATINING HUQUQIY TAHLILI.....88

9. Кахаров Фируз Елмуратович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР ТИЗИМИ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ.....98

10. Salaev Nodirbek Saparbaevich


TRANSFORMATION OF UZBEKISTAN'S PENAL ENFORCEMENT LEGISLATION: A NEW PARADIGM OF HUMANISM, REINTEGRATION AND INNOVATIVE PENITENTIARY POLICY.....106

11. Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.....115

12. Adilxodjaev Sherzod Shuxratovich

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH SIYOSATINING DOLZARB MASALALARI: KORRUPSIYA TUSHUNCHASI VA ALOMATLARI.....124



12.00.01-ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА. ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ

Рузиназаров Шухрат Нуралиевич,
Юридик фанлари доктори, профессор,
Туран фанлар академияси академиги
<https://orcid.org/0000-0001-8550-9276>
E-mail: sh.ruzinazarov@mail.ru

ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА «РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ» (DIGITAL LAW) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

For citation: Ruzinazarov Shukhrat Nuralievich. TRANSFORMATION OF LEGAL EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITALIZATION: MODERN TRENDS AND PROSPECTS FOR TEACHING “DIGITAL LAW”. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 6.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21938094>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада юридик таълим тизимининг глобал рақамли трансформацияси шароитида «Рақамли ҳуқуқ» (Digital Law) фанини ўқитишнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари комплекс тарзда таҳлил қилинган. Жумладан, рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, сунъий интеллект, катта маълумотлар (Big Data), блокчейн, булутли технологиялар ва киберхавфсизлик каби омилларнинг ҳуқуқий муносабатларга кўрсатаётган таъсири ёритиб берилган. Шунингдек, ҳуқуқ соҳасида янги институтлар — LegalTech, RegTech ва рақамли адлия механизмларининг шаклланиши таҳлил қилинган. Шунингдек, унда юридик таълим мазмунини янгилаш зарурати асосланиб, рақамли ҳуқуқни ўқитишда интердисциплинар ёндашувни жорий этиш, яъни ҳуқуқ, ахборот технологиялари ва менежмент фанларини уйғунлаштириш муҳимлиги таъкидланган. Шу билан бирга, талабаларда рақамли компетенциялар, танқидий фикрлаш, маълумотлар билан ишлаш кўникмалари ва ҳуқуқий таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хорижий мамлакатлар (АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Франция, Европа Иттифоқи, Сингапур каби давлатлар) тажрибаси таҳлили асосида рақамли ҳуқуқни ўқитишнинг инновацион усуллари, жумладан онлайн платформалар, симуляция, кейс-стади ва клиник таълим усулларида фойдаланиш самарадорлиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон юридик таълим тизимида мазкур замонавий фанни жорий этиш, ўқув дастурларини модернизация қилиш ва илмий-амалий базани кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли ҳуқуқ, юридик таълим, рақамли трансформация, сунъий интеллект, блокчейн, катта маълумотлар, ҳуқуқий технологиялар (LegalTech), интердисциплинар ёндашув, рақамли компетенциялар, рақамли адлия.

Рузиназаров Шухрат Нуралиевич,
Доктор юридических наук, профессор,
Академик Туранской академии наук
<https://orcid.org/0000-0001-8550-9276>
E-mail: sh.ruzinazarov@mail.ru

ТРАНСФОРМАЦИЯ ЮРИДИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ: СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ «ЦИФРОВОЕ ПРАВО» (DIGITAL LAW)

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен комплексный анализ современных тенденций и перспектив преподавания дисциплины «Цифровое право» (Digital Law) в условиях глобальной цифровой трансформации юридического образования. Особое внимание уделяется влиянию цифровой экономики, искусственного интеллекта, больших данных (Big Data), блокчейна, облачных технологий и кибербезопасности на развитие правовых отношений и формирование новых правовых институтов. В нём системно обосновывается необходимость обновления содержания юридического образования с учетом внедрения междисциплинарного подхода, предполагающего интеграцию права, информационных технологий и управленческих дисциплин. Подчеркивается важность формирования у студентов цифровых компетенций, навыков аналитического мышления, работы с данными и практико-ориентированных знаний. На основе анализа зарубежного опыта (США, Китай, Индии, Франция, страны Европейского союза, Сингапур и др.) раскрываются эффективные методы преподавания цифрового права, включая использование онлайн-платформ, симуляционных технологий, кейс-метода и клинического обучения. В заключении предлагаются практические рекомендации по внедрению и развитию дисциплины «Цифровое право» в системе юридического образования Республики Узбекистан, включая модернизацию учебных программ и усиление научно-практической базы.

Ключевые слова: цифровое право, юридическое образование, цифровая трансформация, искусственный интеллект, блокчейн, большие данные, LegalTech, междисциплинарный подход, цифровые компетенции, цифровая юстиция.

Ruzinazarov Shukhrat Nuralievich,
Doctor of Law, Professor
Academician of the Turan Academy of Sciences
<https://orcid.org/0000-0001-8550-9276>
E-mail: sh.ruzinazarov@mail.ru

TRANSFORMATION OF LEGAL EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITALIZATION: MODERN TRENDS AND PROSPECTS FOR TEACHING “DIGITAL LAW”

ANNOTATION

This article provides a comprehensive analysis of modern trends and future prospects in teaching “Digital Law” in the context of the global digital transformation of legal education. Particular attention is paid to the impact of the digital economy, artificial intelligence, big data, blockchain, cloud technologies, and cybersecurity on the evolution of legal relations and the emergence of new legal institutions such as LegalTech and RegTech. The study substantiates the need to modernize legal education by introducing an interdisciplinary approach that integrates law, information technology, and management. It highlights the importance of developing digital competencies, critical thinking skills, data literacy, and practice-oriented knowledge among law students. Based on an analysis of international experience (including the United States, the European Union, and Singapore), the article identifies effective methods for teaching digital law, such as online learning

platforms, simulation-based education, case studies, and clinical legal training. The paper concludes with practical recommendations for the implementation and development of the “Digital Law” discipline within the legal education system of Uzbekistan, including curriculum modernization and the strengthening of its scientific and practical foundations.

Keywords: digital law, legal education, digital transformation, artificial intelligence, blockchain, big data, LegalTech, interdisciplinary approach, digital competencies, e-justice.

Мавзунинг долзарблиги. Дунёда олий таълим тизими рақамли дидактик жараёни трансформация қилиш, замонавий рақамли меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган битирувчини тайёрлаш имконини берувчи самарали, «рақамли» таълим технологиялари ва ресурсларини излаш ва уни амалиётда қўллаш бўйича илмий ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бинобарин, барқарор рақамли экотизим[1]га асосланган ижтимоий буюртма нафақат олий таълим тизими, балки ёш мутахассисга ҳам қўйилаётган талаблар тизими билан белгиланмоқда десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. Бошқача айтганда, талабанинг hard ва soft skills қўникмалари рақамли меҳнат бозорига ҳамоҳанг бўлган тақдирда энг муҳими, тегишли соҳада назария ва амалиётга йўналтирилган кооперациявий таълим натижадорлиги бўйича креатив меҳнат самарадорлигига эришиш имконияти яратилиши мумкин. Шу муносабат билан олий таълим дидактикасида клиник, дуал, сунъий интелект каби бир қатор замонавий ёндашувдан оқилона ва дастурий таъминотларга асосланган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қайд этиш жоизки, самарали ҳамкорликнинг асосий элементлари сифатида ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, иштирокчилар ўртасида масъулиятнинг аниқ тақсимланиши ва мувофиқлаштирувчи тузилмаларини самарадорлигини оширишни зарурият қилиб қўяди. Дуал таълим[2], икки томонлама шартномалар ва коллегиял бошқарув органлари орқали амалга оширилганда, юқори малакали кадрларни тайёрлашга, назария ва амалиёт орасидаги фарқни камайтиришга ҳамда битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Рус тилининг изоҳли луғатида қуйидаги таъриф берилган: дуал — иккиёқлама, -а, -о; икки томонга ҳам мойил. Иккиёқлама қарор. Бирор нарсага нисбатан иккиёқлама муносабат. Википедияда мазкур атама қуйидагича изоҳланади: Дуал таълим — бу шундай таълим турики, унда тайёргарликнинг назарий қисми таълим муассасаси базасида, амалий қисми эса иш жойида олиб борилади. Корхоналар таълим муассасаларига аниқ миқдорда мутахассислар тайёрлаб бериш учун буюртма берадилар, иш берувчилар ўқув дастурини тузишда иштирок этадилар. Талабалар ўқишдан ажралмаган ҳолда корхоналарда амалиёт ўташади. Бундай таълимни кадрлар тайёрлаш тизимида ваколатлилиқ парадигмасини амалга ошириш, касбий маҳоратни шакллантириш ҳамда ёш мутахассиснинг касбий фаолиятга тайёрлигини таъминлаш имконини берувчи, ўзаро боғлиқ таълим технологиялари, ўқитиш усуллари, воситалари ва ресурсларидан иборат икки йўналишли жараён деб тавсифлаш мумкин. Анъанавий нуқтаи назардан гарчи дуал таълим касбий таълимда татбиқ этилиши бўйича тажрибалар ва асослар мавжуд бўлсада олий таълим тизимида уни ривожлантиришда янги имкониятлар очилмоқда.

Айни шу маънода клиник, дуал таълим тизимини, Peer to Peer (P2P)[3] технологиясини, амалиёт билан уйғунлашган бинар таълимни ва сўнгги пайтларда пайдо бўлган ҳамда нафақат жаҳон таълим амалиётида, балки мамлакатимиз таълим амалиётида ҳам жорий этилаётган бошқа шу каби замонавий усулларни ўз ичига қамраб олади. P2P таълим модели (инглизча peer-to-peer, person-to-person — «инсондан инсонга», «тенгдан тенгга») ўзаро тенг ҳуқуқли, бир поғонали, ҳамкорликка асосланган «тенглар ўртасида»ги ўзаро таъсир модели ҳисобланади ва «тенг — тенгга» тамойили асосида амалга оширилади. Инглиз тилидаги реер сўзи «ҳамкор», «ўртоқ», «тенг»[4] маъноларини англатади. Ушбу модел фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиб, марказлашмаган ёки пиринг модели сифатида ҳам тавсифланади. Таълим тизимида P2P модели иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган ўзаро ҳамкорлик ва ўқитиш жараёни сифатида талқин этилади. Мазкур модел ҳозирги кунда айниқса долзарб ҳисобланади, чунки компетентликка асосланган парадигма[5] доирасида таълим

жараёни таълим–ҳуқуқни қўллаш идораси ёки ташкилоти ўзаро муносабатларига таянади. Бу эса таълим жараёни иштирокчилари ўртасида уйғун, ишончли ва самарали ҳамкорлик муносабатларининг шаклланишини назарда тутати. Юридик олий таълим муассасасида сифатли таълим бериш учун талабалар, ўқитувчилар ва иш берувчиларнинг мотивацияси[6]ни тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, талабаларга қайси фанларга зарурият вужудга келаётганлиги, илмий тадқиқотларнинг қайси йўналишларига янада объектив эҳтиёж бўлаётганини ва умуман олганда — таълим жараёни иштирокчилари юридик таълим сиёсатидаги юз бераётган ижобий ўзгаришларга қандай муносабатда эканини билиш зарур. Дарҳақиқат, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, « касбий ҳуқуқий маданият ва тарихий жихатидан фиксшунослар ва қозилар фаолиятининг юридик асоси бўлган адолатни эъзозлаган миллий ҳуқуқнинг кадр-қимматини ошириш ўз навбатида, юридик таълим тизимига қарашли касбий одоб, ахлоқ, адолат ва қонун устиворлиги нуқтаи назаридан рақамли ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришни тақазо этмоқда.

Маълумки, юридик клиник ва дуал таълим тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, бутун дунёда рақамли технологиялар барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб бормоқда. Бу йўналишга ўз вақтида киришган давлатлар ривожланиб, аксинча, эскича ишлаганлар тараққиётдан орқада қоляпти. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади[7] деб белгиланган. Шунингдек, унинг 50-моддасига кўра, “Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади. Бундан ташқари, Конституциянинг 51-моддасига мувофиқ, “Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли. Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади[8] деб белгиланган. Шунингдек унинг 52-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жихатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади. Ўзбекистон Республикасининг 01.02.2024 йилдаги ЎРҚ-901-сон “Педагогнинг мақоми тўғрисида” [9]ги Қонунининг 6-моддаси педагогнинг ҳуқуқларига бағишланган. Педагог ўз касбий фаолиятини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга: Хусусан, замонавий педагогик технологияларни, ўқитиш ва тарбия воситаларини ҳамда усуллари эркин танлаш ва улардан фойдаланиш; белгиланган тартибда муаллифлик дастурларини ва ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ижодий фаоллик кўрсатиш, шунингдек тегишли ўқув фанлари, курслари ва модулларидан фойдаланиш; касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш; ўқув, илмий ва услубий йўналишлардаги давлат ахборот-ресурс ҳамда ахборот-кутубхона марказларининг хизматларидан бепул фойдаланиш; давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш; илмий, илмий-тадқиқот ва ижодий фаолиятни амалга ошириш, тажриба-синов фаолиятида иштирок этиш, инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижодий таътил олиш;

таълим ташкилотини бошқаришда, шунингдек таълим ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш; ўз касбий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш учун педагогларнинг жамоат бирлашмаларига бирлашиш ва уларда иштирок этиш; ўз касбий фаолиятига ғайриқонуний равишда аралашувдан ҳимояланиш; педагогик фаолияти давомида ўзига бириктирилган синфдаги (гуруҳдаги, курсдаги) таълим олувчиларнинг билимини мустақил баҳолаш; таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари (қонуний вакиллари) томонидан педагогнинг касбига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш; давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида мажбурий тиббий кўрикдан бепул ўтиш (давлат таълим ташкилотлари учун); таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш. Педагог қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 29.10.2019 йилдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” [10]ги Қонуннинг 21-моддасида илм-фан ва таълимнинг узвий боғлиқлиги ўз ифодасини топган. Илм-фан ва таълимнинг узвий боғлиқлиги: таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш; таълим олувчиларда илмий тафаккурни ривожлантириш; педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш, «устоз — шогирд» мактаб ва анъаналарини мустаҳкамлаш, илмий изланувчиларнинг иқтидорли келажак авлодини шакллантириш; илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб бориш орқали таъминланади [11]. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 22-моддасида илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги назарда тутилган. Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида инновацион маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ҳамда қўллаш учун қулай муҳитни шакллантириш; инновацияларни жорий этишдан манфаатдорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириб бориш [12]; тадбиркорлик субъектлари ҳузурида тегишли йўналишларда илмий ташкилотларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, илмий фаолият юритаётган хорижий ҳамкорлар билан изчил ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш; ишлаб чиқариш тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларидан инновацион маҳсулотлар ва хизматларга буюртмалар олиш; инновацион инфратузилмани (технология парклари, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур жамғармалари, бизнес-инкубаторлар ва бошқаларни) ривожлантириш; хусусий илмий ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш; инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш; солиқ имтиёзларини қўллаш орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” [13] Қонуни 17-моддаси дуал таълимга бағишланган. Дуал таълим таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади. Дуал таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепция” га кўра, олий таълим тизимининг бир қатор мавжуд муаммолари кўрсатиб ўтилган. Хусусан, амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган, ўқув режаларида номуахассислик фанлари улуши юқориликча қолмоқда; олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас; ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди; илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги

мавжуд муаммолар ечимига қаратилмаган; сўнгги йилларда нуфузли халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолаларга иқтибослар сони камаймоқда; илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва ёш олимлар фаолиятини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмлари яратилмаган кабилар шулар жумласидандир.

Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари сирасига таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усуллари жорий этиш; юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш кабиларни қайд этиш жоиз. Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш; ўқув режаларида фанлар сонини номухтаҳассислик фанлари ҳисобига босқичма-босқич камайтириш ҳамда туташликдаги фанларни танлов фанлари рўйхатига киритиш; фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 ноябрдаги ПФ-233-сон “Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонининг асосий мақсади сифатида (а) ИТ соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш, бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш ҳамда халқаро даражада рақобатбардош ва жозибадор экотизимни шакллантириш; (б) ИТ компаниялар томонидан венчур капитални жалб қилиш ҳамда халқаро шериклар билан шартномалар тузишда уларнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш; (в) ахборот технологиялари ва бизнес жараёнлари соҳасида хизматлар экспортини ривожлантириш ҳамда жаҳон иқтисодиётига самарали интеграцияни таъминлаш; (г) рақамли ечимлар ва инновациялар бўйича илғор маҳаллий компаниялар фаолиятини рағбатлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш; (д) мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун қулай ҳуқуқий муҳитни шакллантириш ва уларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш белгиланган. Марказ ҳудудидаги махсус ҳуқуқий режим назарда тутилган. Яъни унинг ҳудудида қуйидаги фаолият турларига рухсат этилади: (а) дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, рақамли технологиялар соҳасида консалтинг ва аутстафтинг хизматларини кўрсатиш; (б) рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда аутсорсинг асосида масофавий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, бизнес жараёнлар аутсорсинги (BPO); (в) рақамли технологиялар соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни (R&D) амалга ошириш; (г) видео ўйинлар (GameDev) яратиш, улар учун рақамли контент ишлаб чиқиш, жумладан, график дизайн, видео ва аудиоконтент яратиш ва таҳрирлаш (шу жумладан, визуализация ва рақамли медиа); (д) рақамли контентни (шу жумладан, электрон китоблар, ўқув курслари, медиаконтент) ёки дастурий ечимларни онлайн платформалар орқали яратиш, жойлаштириш ва тарғиб қилиш; (ж) сунъий интеллект технологияларини яратиш ва ривожлантириш; (з) маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш марказларини, булутли ҳисоблаш тизимларини яратиш, уларни бошқариш ва тегишли хизматларни кўрсатиш; (и) рақамли технологиялар соҳасида таълим фаолиятини ва Бошқарув кенгаши томонидан белгиланадиган бошқа фаолият турларини амалга ошириш шулар жумласидандир. Мазкур Фармонга кўра Марказ резидентларига молиявий хизматлар кўрсатишнинг махсус қоидалари Марказий банк (банк хизматлари ва валютани тартибга солиш бўйича) ва Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги (суғурта ва қимматли қоғозлар соҳасидаги хизматлар бўйича) томонидан белгиланади. Марказни Англия ва Уэльс умумий ҳуқуқ нормалари ва принципларига ёки етакчи халқаро молия марказлари стандартларига асосланган махсус ҳуқуқий режимга эга алоҳида ҳудуд (юрисдикция) сифатида эътироф этиш;

(б) Марказнинг махсус ҳуқуқий режими доирасида унинг резидентлари ва томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ бошқа тадбиркорлик субъектларининг низоларини Ўзбекистон Республикаси суд тизимига кирмайдиган мустақил ихтисослаштирилган суд томонидан кўриб чиқиш имкониятларини яратиш; (в) Марказ резидентлари учун ўрнатилган солиқ, божхона ва бошқа имтиёзларни татбиқ этмаган ҳолда Марказ ҳудудида резидент бўлмаган компаниялар томонидан молиявий, консалтинг, инвестиция ва юридик хизматлар кўрсатилишига рухсат этиш. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда «Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 ноябрдаги ПФ-232-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фанни янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»[14] Фармонида кўра, «Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир» деган устувор ғоя асосида замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, юридик таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида юридик таълим ва илм-фан ривожланишида эришиладиган асосий вазифалар белгиланган. Булар жумласига энг аввало, (а) юридик таълим жараёнларининг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойилини жорий этиш; (б) юридик таълим тизимида таълим — тадқиқот — амалиёт интеграциясини йўлга қўйиш, бошқарувда академик-коллегиал ёндашувларни янада кенгайтириш; (в) юридик таълим самарадорлиги ва сифати устидан назоратни кучайтириш; (г) Тошкент давлат юридик университетининг (кейинги ўринларда — Университет) 2030 йилга қадар нуфузли Quacquarelli Symonds рейтингда ҳуқуқ соҳаси бўйича юқори 1000 талик университетлар рўйхатига киришини таъминлаш кабилар киради. Мазкур фармонда белгиланган вазифа ва чора-тадбирлар сирасига университетда бизнесни ҳуқуқий бошқариш ва тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлашга замонавий ёндашувларни жорий қилиш, мазкур масалаларда ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш мақсадида: (i) «Корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув» таълим мутахассислиги амалдаги ва қўшимча квоталар доирасида; (ii) тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқий билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган «Master of Legal Administration» (MLA) бир йиллик ўқув дастури жорий этилиши ўз ифодасини топган. Энг муҳими, университетда «Рақамли ҳуқуқ»[15] (Digital Law) халқаро таълим йўналиши жорий этилиши ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Бунда: мазкур йўналишга ўқишга қабул қилиш танловлари халқаро стандартларга мувофиқ ихтисослашган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда IQ тест тартибида ўтказилади ва танловда чет тиллари бўйича B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этади; ўқув жараёни инглиз ва бошқа тилларда олиб борилади; ўқув жараёнига етук хорижий профессор-ўқитувчилар жалб этилиши назарда тутилган. Жаҳонда глобал рақамлашув жараёнларининг жадал суръатларда ривожланиши, ахборот-коммуникация технологияларининг таълим тизимига кенг жорий этилиши ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг чуқурлашуви юридик таълимни тубдан трансформация қилиш заруратини юзага келтирмоқда. Замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, рақамли иқтисодиётга ўтиш, электрон давлат хизматлари, онлайн судлов амалиёти ва сунъий интеллект элементларининг ҳуқуқий муносабатларга кириб келиши юридик кадрлар тайёрлаш тизими олдида сифат жиҳатидан янги талабларни қўймоқда. Маълумки, юридик таълим тизимини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бўлиб ҳисобланади.

Илмий-методологик таҳлил. Замонавий шароитларда юрист фаолиятининг барча асосий жиҳатлари рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини оқилона ва хавфсиз татбиқ этишни тақазо этади[16]. Шу боис рақамли трансформациялашув шароитида юрист кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг марказий масалаларидан бўлиб ҳисобланади. Рақамлаштириш нафақат ҳуқуқий фаолиятни, балки ҳуқуқнинг ўзига ҳам таъсир кўрсатиб, уни трансформация қилиш жараёни юз бермоқда. У ҳуқуқни моҳиятини англаш, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқ тизими, унинг соҳалари ва институтларига таъсир этмоқда. Суд,

нотариал ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг рақамлаштирилиши, шунингдек ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳуқуқий жараёнлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳамда давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси ҳақидаги тасаввурларни аллақачон ўзгартирмоқда[17].

Илмий-амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитларда юристларни тайёрлашнинг энг талаб юқори бўлган йўналишларидан бири —рақамли ҳуқуқи соҳасидаги мутахассис, ёки бошқача айтганда, IT-юрист ҳисобланади. Умуман олганда, рақамли ҳуқуқ икки мутлақо турли ихтисослик — гуманитар юриспруденция ва алгоритмга асосланган математик фанларнинг ахборот технологияларининг мутаносиблиги асосида вужудга келган десак, асло муболаға бўлмайди. Шу сабабли ахборот технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимга эга бўлмаган юристлар IT соҳасига оид ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ваколатлилиқни таъминлашга эришиши жуда қийин. Ҳолбуки, янги замонавий ихтисослик келажак юрист мутахассисини тайёрлаш ва уларнинг замонавий кўникмаларини ривожлантиришда универсал ёндашувни талаб қилади. Энг мураккаб жихати шундаки, IT-юристининг шаклланиши кенг қўламли талаблар билан боғлиқ: рақамлаштириш шароитида ҳуқуқ соҳасида фаолият юритувчи мутахассис бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг бир неча соҳалари бўйича билимга эга бўлиши лозим — рақамли ҳуқуқ, шартнома ҳуқуқи, смарт-контракт, электрон тижорат ҳуқуқи, электрон тўлов, катта маълумотлар (Big Data), блокчейн технологиялар, интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунлар, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахборотни узатиш масалаларини ҳам қамраб олади. Қолаверса, рақамли технологияларни мукамал эгаллаган юқори малакали IT-юрист ўз миқдорининг ҳуқуқий муаммоси моҳиятини жуда тез англай олиши керак. Рақамли таълим юридик трансформациялашувининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у таълим мазмуни, шакллари ва услубларини тубдан янгиланишни назарда тутди. Рақамли таълим платформалари, масофавий ва гибрид таълим шакллари, интерактив кейслар ва симуляциялар юридик таълимнинг амалий йўналтирилганлигини замонавий шароитларга монанд тарзда оширади. Бу эса бўлажак юристларнинг касбий тайёргарлигини замонавий талабларга мослаштиришга хизмат қилади. Юридик соҳада рақамли таълимни жорий этиш талабаларда рақамли ва амалий ахборот билан ишлаш, ҳуқуқий ҳужжатларни оқилона таҳлил қилиш, электрон ҳужжатлар айланмаси ва рақамли далиллар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, рақамли таълим юридик касбнинг келажакдаги ривожланиш тенденцияларига мос кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Ижтимоий сўровномалар таҳлили кўрсатишича, 10 йилдан сўнг энг долзарб бўладиган мутахассисликлар технологиялар билан боғлиқ соҳалардир: интеллектуал мулк ва ахборот технологиялари (IT & IP), шунингдек legal tech[18]. Бугунги кунда юриспруденциянинг замонавий трансформациялашуви шароитида рақамли ва алгоритмли моделлаштириш ҳар бир ҳуқуқий тадқиқотнинг замонавий методикаси бўлмоғи лозим. Энг муҳими, аждодларимиз илмий меросидан озикланган мумтоз табиий ва ижтимоий шу жумладан ҳуқуқий фанларнинг рақамли трансформациялашуви ва уларнинг фанлараро алоқадорлигининг рақамли интеграциялашуви давлат ва жамият тараққиётининг драйвери бошқача айтганда, ғоятда муҳим ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Бундай тарихий –ҳуқуқий ёндашув тадрижийлик нуқтаи назардан аждодлар илмий меросининг рақамли ҳуқуқ соҳасини юридик фанларнинг комплекс тусдаги махсус фан тармоғи сифатида жадал ривожлантиришнинг ғоятда муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Рақамли фуқаролик муомиласини ахборот технологияларини ҳуқуқий соҳа билан уйғунлаштиришнинг олис мозийдан садо берадиган тадрижий ривожланишнинг объектив генетик қонунияти билан боғлиқ замонавий ва истиқболли йўналиш эканлигини теран мушоҳада этиш зарур. Албатта, бу рақамли фуқаролик ҳуқуқий тенденцияларни мантиқий ва тизимли давлат ва жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб мумтоз маънода таҳлил қилиш учун рақамли воқеаликка мос катта маълумотлардан оқилона фойдаланиш, ҳуқуқий жараёнларни автоматлаштириш, рақамли активлар, смарт-контракт, сунъий интеллект, рақамли идентификация ва ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқларни онлайн ҳимоя қилиш, шунингдек, киберхавфсизлик

ва электрон тижорат масалаларини ўз ичига қамраб олади десак, асло муболаға бўлмайди. Кенг маънода рақамли ҳуқуқнинг комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида ўрганиш предметига рақамли ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, рақамли маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар, электрон савдо майдончалари, электрон шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, блокчейн технологиялари, рақамли платформалар ва рақамли валютанинг ҳуқуқий режими, интеллектуал мулк ҳуқуқларини амалга оширишни рақамлаштириш, катта маълумотларнинг ҳуқуқий режими, шахсга доир маълумотларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тиббий хизматлар кўрсатишни рақамлаштириш, Интернетнинг ҳуқуқий режими, онлайн-рекламани ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқа жуда кўплаб рақамли объектлар киради. Ушбу ўринда катта ҳажмдаги ҳуқуқий ахборотни қайта ишлаш, сунъий интеллектни яратиш, ҳуқуқий рақамли жараёнларни комплекс моделлаштириш, дастурлаштириш ва суд амалиётида қўллаш, шунингдек, рақамли соҳани тартибга солувчи қонунчиликни нафақат ишлаб чиқиш, уни унификация қилиш, тизимлаштириш ва энг муҳими, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мақсадли ва оқилона жорий этиш уни ақлли тартибга солишинг ғоятда зарур ва муҳим жиҳатлари бўлиб ҳисобланади. Рақамли ҳуқуқ замонавий комплекс тусдаги фундаментал юридик фан бўлиб рақамли ҳуқуқий тартибга солиш ҳақидаги илмий билиш тизими сифатида ўқитилишига эришиш лозим.

Рақамли ҳуқуқ янги комплекс ҳуқуқ соҳаси бўлиб ўзининг ҳуқуқий тартибга солиш предметига эга. Бинобарин, рақамли ҳуқуқ соҳалараро ҳуқуқий тартибга солиш институтлари йиғиндисидир. Рақамли ҳуқуқ давлат томонидан умуммажбурий, формал белгиланган ва кафолатланган тизим бўлиб рақамли маълумот ва рақамли технологияларни қўллаш ёрдамида вужудга келдиган муносабатларни тартибга солиш нормалари йиғиндисидир. Рақамли муҳитда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми энг аввало улар ахборот табиатига эга бўлиб рақамли кўринишда – рақамли маълумотлар билан боғлиқ ахборотларга нисбатан у ёки ўзга ҳаракатларни содир этиш оқибатида вужудга келади. Рақамли ҳуқуқ предмети биринчидан, маълумотларни излаш, олиш, тақдим этиш, тарқатиш ва рақамли шакл ва рақамли технологияда маълумотлар билан боғлиқ бошқа субъектив рақамли ҳуқуқларни амалга оширишда вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Иккинчидан, рақамли маълумотни рақамли технологиялар орқали излаш, олиш, тақдим этиш, тарқатиш ҳаракатлари бўйича вужудга келадиган рақамли муносабатлар, ва улар билан бевосита боғлиқ субъектив рақамли ҳуқуқни амалга оширишга оид муносабатлар йиғиндисидир. Бугунги кунда ҳуқуқ ва рақам нафақат фундаментал тадқиқот объектига балки ҳуқуқшуносликнинг турли соҳалари учун қонунчилик соҳаси, ўқув предмети ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини соҳасига ҳам айланиб улгурди. Бугунги замонавий шароитларда ижтимоий муносабатларнинг рақамлаштиришнинг генесологик негизи олис мозийга яъни, Шарқ уйғониш даврига хусусан, Ал-Хоразмийнинг алгоритм ҳақидаги илмий таълимотига бориб тақалади. Замонавий реалликнинг моҳияти шундаки, ҳуқуқни рақамларсиз ва рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ал-Хоразмийнинг алгоритмга асосланган таълимоти рақамли давлат ва ҳуқуқни шакллантиришнинг фундаментал генесологик асоси бўлиб ҳисобланади. Айниқса, Ал-Хоразмийнинг алгоритм таълимоти замонавий ҳуқуқий тизимни трансформациялашувига хизмат қилади. Ҳозирги рақамли асрда алгоритм алоҳида аҳамиятга моликдир. Алгоритм–бу замонавий илм-фан ва технологияларнинг ресурсидир.

Бугунги кунда хорижий давлатларда рақамли ҳуқуқ ўқув фани сифатида тан олинганлиги[19] ҳам уни миллий ҳуқуқ тизимида ўрнини аниқлашни ҳам тақазо этади. Мамлакатимизда таълимни рақамли трансформациялашuvi шароитида юксак малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда фанларни шу жумладан, юридик фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда энг долзарб муаммолардан бири юридик фанларни хусусан, янги комплекс ҳуқуқ соҳаси бўлмиш рақамли ҳуқуқ фанини ўқитишнинг назарияси ва методикасини шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Чунки рақамли ҳуқуқ фанини ўқитишнинг илмий-назарий муаммоларини ўрганмасдан кўзланган мақсадга эришиш мушкул масаладир. Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, рақамли ҳуқуқ- ҳуқуқнинг энг замонавий янги соҳасидир[20]. Дунёда ахборот-коммуникация

технологиялари билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиниши яққол намоён бўлмоқда. Рақамли суверенитет ва рақамли хавфсизлик нафақат ижтимоий давлатнинг ажралмас атрибуту, балки давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланади. Шу муносабат билан рақамлаштириш фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонунчилик асосларини яратишнинг мазмунини ўзгартиради[21]. Рақамлаштириш ҳуқуқнинг моҳиятига ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлмоқда, шу жумладан виртуал воқелик эҳтиёжларидан келиб чиққан янги ҳуқуқ соҳаларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини янгилашнинг янги босқичида ахборот-коммуникация технологияларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда жорий этишнинг замонавий тенденцияларини ўрганиш ва уларнинг қонунчилик асосларини яратиш масалаларини таҳлил қилишнинг зарурияти мавжуд. Рақамли технологиялар фуқаролик муомиласининг ҳуқуқий табиатида янги ўзгаришлар касб этмоқда. Даҳақиқат, фуқаролик муомиласида рақамли технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни оқилона тартибга солишда рақамли ҳуқуқнинг ижтимоий роли ва ўрнини тушуниш объектив зарурат ҳисобланади. Рақамли ҳуқуқ — бу давлат томонидан қафолатланган, ижтимоий мажбурий, формал равишда аниқланган нормалар тизими бўлиб, рақамли маълумотлар ва рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Рақамли муҳитда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми, аввало, уларнинг ахборот табиатига эга бўлиши ва рақамли шаклда яъни, рақамли маълумотлар билан боғлиқ субъектив ҳуқуқларни амалга оширилишида намоён бўлади. Рақамли ҳуқуқнинг предмети ўз ичига ахборотни қидириш, олиш, тақдим этиш ва тарқатиш жараёнида, шунингдек, рақамли маълумотлар ва технологиялар билан боғлиқ бошқа ҳаракатларда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни шунингдек, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ахборотни узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш ва тарқатиш натижасида юзага келадиган рақамли муносабатлар ҳамда улар билан бевосита боғлиқ субъектив ҳуқуқларни амалга оширишни қамраб олади. Рақамли ҳуқуқ рақамли технологиялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган нормаларни ўзида мужассамлаштиради.

Илмий манбаларда билдирилган турли нуқтаи назарлар мазмунидан келиб чиқиб бир қатор ҳулосаларни чиқариш имконини беради: Биринчи гуруҳдаги қарашлар мазмунига кўра, рақамли ҳуқуқ алоҳида ҳуқуқ соҳаси ҳисобланмайди, чунки ҳозирги вақтда ушбу масала бўйича зарур доктринал ва қонунчилик асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усули борасида ягона фикр мавжуд эмас. Иккинчи гуруҳдаги қарашларнинг мазмунидан англашилишича, рақамлаштириш соҳасидаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилиكنинг янги тармоғини ажратиб кўрсатиш мумкинлигини кўрсатади.) «Киберҳуқуқ» тушунчаларининг турли хил ёндошувларга асосланган концепциялари тизимида рақамли ҳуқуқ алоҳида ўрин тутати, чунки у нафақат Интернет тармоғида юзага келадиган, балки турли рақамли технологиялар қўлланилиши жараёнида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солади. Учинчи гуруҳдаги қарашлар рақамли маконда ўз-ўзини тартибга солиш муқаррар ҳодиса ҳисобланади, шунинг учун рақамли ҳуқуқ ўз ичига фақат қоида-нормаларнигина эмас, балки турли платформалар томонидан локал ҳужжатлар яратишда асос бўладиган принцип-нормаларни ҳам қамраб олиши лозим. Шундай қилиб, қонунчилик тизими нуқтаи назаридан рақамли ҳуқуқ — рақамли технологияларни қўллаш жараёнида рақамли муҳитда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидир. Рақамли ҳуқуқ юридик фан соҳаси сифатида рақамлаштириш жараёнида ҳуқуқнинг ўрни, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш механизмини трансформация қилишда рақамли технологияларни қўллаш усуллари ҳақидаги қарашлар, концепциялар ва ғоялар мажмуасидан иборатдир. Ҳозирги вақтда шаклланаётган «Рақамли ҳуқуқ» тушунчасининг доктринал талқини рақамлаштиришнинг кейинги қонунчилик ривожини учун зарур бўлган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади[22]. Хорижий давлатларда ҳам рақамли ҳуқуқ деб аталиб унинг илмий докторинаси ва қонунчилиги жадал шаклланиб бормоқда[23]. Интернет-рекламани жойлаштиришнинг асосий воситаларидан

бири web-сервер ҳисобланади. Иқтисодий тадқиқот ишларда Интернетда товар ва хизмата ҳаракаланишининг алгоритми таклиф этилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Web-сервер Интернетда ташкилотнинг реклама web-сайтда жойлаштириш учун ўзига хос платформа ҳисобланади[24].

Тизимли таҳлиллар натижаси кўрсатишича, олимларнинг фалсафий-ҳуқуқий мушоҳодасига кўра, рақамли ҳуқуқнинг амалда бўлиши ва энг аввало, рақамли муҳитнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан боғлиқ бир қатор муаммоларга дуч келинади. Бу ўринда биз рақамли воқелик талаблари ва янги рақамли феноменнинг намоён бўлишининг жадаллашувидан маълум даражада номувофиқлик ва ҳатто рақамли ҳуқуқнинг орқада қолишини тан олишимиз керак. Ҳуқуқий тизимнинг рақамли муҳит эҳтиёжларидан орқада қолиши муаммосини (рақамли ҳуқуқ объектив сабабларга кўра рақамли технологиялар каби тез ривожлана олмайди) иккита асосий усул билан ҳал қилиниши мумкин. Биринчиси, предметли ва рақамли воқеликнинг онтологик кўринишларини ўз ичига олган принципиал жиҳатдан янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқишни ўз ичига олади, иккинчиси, мавжуд ҳуқуқий тамойиллар ва нормаларни мазмунан мослаштириш имкониятини яратади. Тавсифланган мазкур муаммонинг иккинчи усулини амалиётда қўллаш мавжуд ҳуқуқий тизимда аллақачон ижобий ишланмаларни сақлаб қолган ва шу билан бирга ижтимоий тизимнинг ҳар қандай элементини амалда бўлишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий механизмларнинг бир қатор асосларини ишлаб чиқишни назарда тутган ҳолда, ҳуқуқий тизимни тубдан янги ва жуда талаб қилинадиган қонунижодкорлик даражасига ўтишга имкон беради. Ҳуқуқий тизим ахборот намоён бўлишининг бир кўриниши бўлиб, кишилар ўртасидаги рақамли ўзаро таъсирнинг уйғун элементига айланиб, рақамли борлиқ эҳтиёжлари нуқтаи назаридан ўз-ўзини акс эттириш имкониятига эга бўлади[25].

Рақамли онтологиянинг ижтимоий-фалсафий таҳлилининг махсус объекти сифатида "рақамли ҳуқуқ" қонун ҳужжатларининг маълум бир ихтисослаштирилган соҳаси билан тартибга солинмаган, аммо турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда ахборот маконидаги муносабатларни тартибга солиш функциясини бажаради. Ушбу ўринда тартибга солиш объектлари рақамли маконнинг турли элементлари, масалан, сунъий интеллект, Big Data, технологиялари, турли IT -лойиҳаларни амалга ошириш мазмуни ва жараёнларини амалга оширишни қамраб олади. Улар рақамли кўринишларида бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, рақамли борлиқнинг янги шакллари ва элементларини келтириб чиқаради, бу, шубҳасиз, "рақамлаштириш ҳаётимизнинг янги соҳаларига кириб боради" яъни, рақамли ҳуқуқни қўллаш кўламининг кенгайиш соҳаларини қамраб олади[26].

Ҳуқуқий адабиётларда рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича турли фикр ва қарашлар мавжуд[27]. Хусусан, М. К. Сулайменовнинг танқидий фикрича, рақамлаштиришга оид қонун лойиҳалари, асосан, технологлар томонидан тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексига янги нормалар киритишга уринишлар ҳам кузатилмоқда. Бу эса муайян даражада хавфли ҳисобланади, чунки технологлар томонидан таклиф этилаётган янгиликлар Фуқаролик кодексининг ички архитектурасини бузиши, фуқаролик ҳуқуқининг асосий тушунчалари билан зиддиятнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Рақамлаштириш ҳуқуқ тармоқлари ўртасидаги чегараларнинг йўқолишига фаол таъсир кўрсатиб, ҳатто асосий ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгаришлар киритмоқда. Шу ўринда америкалик футуролог Рэймонд Курцвейлнинг рақамли технологиялар ривожининг асосий босқичларини юқори аниқлик билан башорат қилган прогнозларини қайд этиш лозим. Курцвейлнинг фикрига кўра, яқин келажакда куйидаги трансформацияларни кутиш мумкин:— 2032 йилга келиб роботлар инсонларга нисбатан интеллектуал жиҳатдан устун бўлади;— 2035 йилга бориб автоматлаштириш қўлаб касбларни қамраб олади ва инсон меҳнатини қисман ёки тўлиқ алмаштиради; — 2045 йилга келиб инсон ҳаётининг аксарият жиҳатлари рақамли технологиялар орқали реал вақт режимида бошқарилади;— 2099 йилга келиб инсон ва робот ҳуқуқлари тенглаштирилади[28]. А. А. Тедеевнинг ҳозирги кунда гап аллақачон «...кибермаконда (ёки муҳим ахборот компоненти билан боғлиқ ҳолда) қисман юзага келадиган, муайян ҳуқуқ соҳаси томонидан

тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга имкон берувчи юридик конструкцияларни излаш ҳақида эмас, балки бундай муносабатларнинг тўлиқ трансформацияси ҳақида бормокда», деган фикри ортиқча оптимистик, деб баҳоланади[29].

Рақамли экотизимнинг ўзига хос хусусиятлари Н. И. Соловяненко томонидан ҳам таъкидланган бўлиб, унинг фикрига кўра, рақамли экотизим ўзаро тўлдирувчи маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқарадиган ҳамда истеъмолчиларга тақдим этувчи бир нечта платформалар мажмуаси билан тавсифланади[30]. Л. В. Санникова ва Ю. С. Харитоновна илмий муомалага «рақамли активлар» тушунчасини киритиб (бу тушунча Россия қонунчилигининг қайси нормаларига асослангани аниқ эмас), рақамли ҳуқуқлар анъанавий фуқаролик ҳуқуқи объектларидан фарқли равишда, аввало, муомаланинг технологик қонуниятларига бўйсунилишини таъкидлайдилар[31]. Бу ҳолат мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ўз ифодасини топиши лозим. Айнан шу жиҳат рақамли активларнинг ҳуқуқий моҳиятини ташкил этади. Ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида қўллаш ҳуқуқий муносабатларни рақамли муомала субъектларининг технологик ўзаро таъсири билан алмаштирмайди. Сунъий интеллект ва бошқа рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, юридик шахслар ва фуқаролар фақатгина ушбу технологиялар воситасида битимлар тузадилар ва бошқа юридик аҳамиятга эга хатти-ҳаракатларни амалга оширадилар. Сунъий интеллект ва бошқа рақамли технологияларни қўллаш натижасида мустақил ҳуқуқ субъекти вужудга келмайди ҳамда у юридик шахс сифатида иштирок этадиган алоҳида ҳуқуқий муносабатлар шаклланимайди[32]. Ҳуқуқ соҳасида рақамли технологияларни қўллаш фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳаракатларини босқичма-босқич тақсимланган реестрда жойлаштирилган ахборотни яратиш, сақлаш ва янгилаш алгоритмларига ўтказишдан иборат[33]. Алоҳида таъкидлаш жоизки, сунъий интеллектни ўз ичига олган замонавий рақамли технологияларнинг фуқаролик муомаласига фаол жорий этилиши натижасида анъанавий фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг трансформацияси асосида шаклланган ва мустақил тур сифатида ажралиб чиққан рақамли ҳуқуқий муносабатлар вужудга келди.

Рақамли кодекс рақамли ҳуқуқ фани ва таълимнинг қонунчилик асоси. Тизимли илмий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар кўрсатадики, Модел Рақамли кодексининг тайёр андозаси мавжуд эмас. МДХ микёсида Модел қонунчилик ҳужжатларининг асослари ишлаб чиқилган[34]. МДХга аъзо давлатлар учун Модел Ахборот кодекси (янги таҳрирда) 2022 йил 28 октябрда МДХ давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 54-Ялпи мажлисида 54-12-сонли қарорга мувофиқ қабул қилинган[35]. Шунингдек, МДХ давлатлари учун рақамли соғлиқни сақлаш тўғрисидаги Модел қонун ҳам ишлаб чиқилган[36]. Бироқ, жамиятни рақамли ривожлантириш нуқтаи назаридан бу борада концепциявий ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда[37]. Унинг IV. Ҳамкорликнинг асосий йўналишларига бағишланган бобида МДХга аъзо давлатлар қуйидаги асосий йўналишларда ҳамкорлик қиладилар: тартибга солиш соҳасида: жамият ва рақамли иқтисодиётнинг рақамли ривожланишини тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини бирхиллаштириш; жамиятнинг рақамли ривожланиши ва рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни комплекс қонунчилик билан тартибга солишни шакллантириш; асосий ҳуқуқий чекловларни олиб ташлаш ва жамиятни рақамли ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий институтларни яратиш; МДХга аъзо давлатларнинг жамият ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва рақамли ривожланиши жараёнларни бошқарувчи асосий институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик шакллари ва функцияларини белгилаш кабилар назарда тутилган[38]. Шу боис, илмий жамоатчилик, қонуншунослар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти корпуси вакиллари бу борадаги барча қонунчилик ташаббусларини қизиқиш билан диққат билан мақсадли кузатиб бормокда[39]. Рақамлаштириш соҳасида кодекслаштирилган қонун ҳужжатларини яратиш ғоялари энди Россия, Хитой[40], Япония[41], Ҳиндистон, Ўзбекистон, Қозоғистон[42], Озарбайжон ва Молдовада фаол муҳокама қилинмоқда[43]. Хусусан, Италияда 2005 йилда Рақамли кодекснинг ўхшаш миллий шакли — Италиянинг Рақамли

бошқарув кодекси қабул қилинган. (Codice dell'Amministrazione Digitale, 2005). Францияда 2016 йилда мамлакатдаги рақамли муносабатларнинг турли жиҳатларини тартибга солишчи «Рақамли Республика тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Германияда эса асосий базавий қонун — «Электрон бошқарувни ривожлантириш тўғрисида»ги қонун (Gesetz zur Förderung der elektronischen Verwaltung, 2009) амал қилади. Бирлашган Қиролликда 2017 йилдаги рақамлаштириш соҳасидаги энг мукаммал базавий қонунлардан бири — «Рақамли иқтисодиёт тўғрисида»ги қонун (Digital Economy Act, 2017) қабул қилинган. АҚШда эса 2002 йилда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонун (E-Government Act, 2002) қабул қилинган. Гарчи, Хитойда рақамли қонунчиликни қатъий маънода кодификация қилиш амалга оширилмаган бўлса-да, уни консолидация қилиш орқали умумлаштиришга эришилган. Ҳиндистонда 2023 йилда DIA — «Рақамли Ҳиндистон тўғрисида»ги қонун (кейинги ўринларда — РҲҚ) қабул қилинди. Сингапур Республикаси рақамли қонунчилик соҳасидаги «илк тажрибалар» шакллланган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда 1980-йиллардан бошлаб ушбу соҳада турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, улар ягона кодексга бирлаштирилмаган. Рақамли соҳадаги қонунчиликнинг уйғунлиги ва мувофиқ ишлаши маълум муддатларга мўлжалланган давлат дастурлари орқали таъминланади. Ҳозирги кунда мамлакатда 2025 йилгача мўлжалланган iN2015 (Intelligent Nation 2015) бош режаси амал қилмоқда. Унинг ижроси Сингапур Рақамли ривожланиш ва ахборот вазирлиги (MDDI) ҳузуридаги Инфокоммуникация ва медиа ривожини бошқармаси (IMDA) томонидан мувофиқлаштирилади.

Ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини тўлиқ кодекслаштиришга бир мунча мос бўлган Қирғизистон Республикасининг Рақамли кодекси 2024 йил 12 декабрда Жогорку Кенеш (парламент) томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлиб, Президент томонидан 2025- йил 18-июнда имзоланган ва 2026-йил бошида (расман эълон қилингандан кейин олти ой ўтгач) кучга киради[44]. Шунингдек, Озарбайжон Республикаси ва Қозоғистон[45] Республикасида ҳам худди шундай Кодекслар ишлаб чиқилмоқда. Биз ҳам бу жараёни нафақат кузатиб боришимиз балки унинг ҳуқуқий экспериментал синовдан ўтган Рақамли кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича нуфузли олимлар ва экспертлар корпусидан иборат ишчи гуруҳини ҳозирдан тузиб тегишли амалий саъйи -ҳаракатларни амалга оширишга киришишимиз лозим. Рақамли кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёни анъанавий кодекслардан нафақат фарқланади балки унинг тегишли нормалари билан ўзаро мувофиқлаштирилиши лозим. Энг муҳими, унинг нормаларини рақамли маконда амалга оширишнинг ижобий натижаси бўлган тақдирда, бундай қоидалар Ўзбекистон Республикасининг рақамлаштиришга оид кодификациялаштирилган қонунчилигида акс эттирилиши мумкин. 2025 йил май ойида Ўзбекистонда онлайн платформаларни тартибга солиш бўйича лойиҳа эълон қилинди. У Европа Иттифоқининг Рақамли хизматлар тўғрисидаги қонуни (DSA) ва Буюк Британиянинг Online Safety Act қонунлари элементларини акс эттиради. Таклиф этилаётган талаблар қаторига фойдаланувчилар шикоятларини 15 кун ичида кўриб чиқиш, контентни блоклаш бўйича сўровларни 24 соат ичида кўриб чиқиш тизими, масъул вакил тайинлаш, фойдаланувчилар статистикасини тақдим этиш, рекламани белгилаш ва адаштирувчи интерфейслардан фойдаланишни тақиқлаш киради. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда платформаларга нисбатан санкциялар, ҳатто ишлашини тўхтатиш (блокировка) қўлланилиши мумкин. Дарҳақиқат, аксарият хорижий юрисдикцияларда рақамли ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида қонунчиликни консолидациялаш ва кодекслаштириш жараёни турли босқичларда амалга оширилаётганлигини ижобий тенденция деб баҳолаш учун етарли асослар мавжуд. Рақамли муносабатларни тартибга солинадиган соҳаларига оид хорижий давлатлар қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, бундай соҳаларга қуйидагилар киради: - рақамли маълумотлар ва рақамли ёзувларни қайта ишлаш, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш; - шахсий маълумотларни қайта ишлаш, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш; - давлат бошқарувининг рақамли трансформацияси; ахборот-коммуникация технологияларини бошқариш; - телекоммуникация тармоқлари ва алоқаларини бошқариш; - электрон рақамли имзо; - ахборот ресурсларини, шу жумладан веб-сайтлар ва иловаларни

қайта ишлаш; - аноним маълумотларнинг эркин оқимини яратиш; - рақамли хизматлар, технологик тизимлар, рақамли экотизимларни ҳуқуқий тартибга солиш;-ахборот хавфсизлиги;-электрон тижорат;-ахборот соҳасидаги давлат бошқаруви; - сунъий интеллект ва ҳ.з..

Шубҳасиз, хорижий давлатларнинг рақамли қонунчиликка оид тажрибасини ҳар томонлама тизимли ва қиёсий ўрганган ҳолда келгусида Ўзбекистон Республикасининг Рақамли кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда улардан энг яхши қонунчилик амалиёти сифатида оқилона ва мақсадли фойдаланиш соҳавий ҳуқуқий тартибга солишни кодификациялаштиришнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Рақамли қонунчиликни унификациялаш — бу рақамли технологиялар, шу жумладан сунъий интеллект билан боғлиқ миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни оқилона ва самарали уйғунлаштириш бўлиб, рақамли ахборот маконида, электрон тижоратда, трансчегаравий рақамли маълумотлар алмашинувида, электрон идентификация ва электрон имзолар соҳасида ягона қоидаларни таъминлашга қаратилган. Рақамли қонунчиликни унификациялашдан кўзланган асосий мақсад — рақамли хизматлар ва товарлар давлатларнинг географик ва минтақавий жойлашувидан қатъи назар эркин муомалада бўлиши мумкин бўлган ўзаро мос ва яқинлаштирилган ҳуқуқий маконни яратишдан иборат Хорижий давлатлар тажрибасига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Рақамли кодексини ишлаб чиқиш масаласи миллий ҳуқуқий тизимда оламшумул катта юридик воқеалик сифатида унинг роли ва ўрнини аниқлаш учун қандай унификация ва тизимлаштириш шаклини танланишимизга кўп жихатдан боғлиқдир.

Рақамли ҳуқуқ — бу рақамли объектга нисбатан субъектив фуқаролик ҳуқуқи бўлиб, ахборот тизимидаги ёзувлар билан тасдиқланади.Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасида рақамли ҳуқуқлар тўғрисида махсус норма белгиланмоқда[46]. Рақамли ҳуқуқ ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастури ва ихтисослик паспортини шакллантиришда рақамли ҳуқуқнинг предмети, методи, тизими ва асосий институтларини инобатга олиш лозим. Рақамли ҳуқуқнинг илмий-методологик асосларини тизимли таҳлил қилиш зарур. Энг муҳими, дунёда рақамли ҳуқуқ, рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект бўйича бир нечта илмий мактаблар ва моделлар мавжуд. Шу боис, унинг ижобий жихатлари ва ютуқларидан оқилона фойдаланиш лозим.

МДХ давлатлари Парламентлараро Ассемблеясининг 14.04.2023 й. № 55-12” “Рақамли ҳуқуқлар тўғрисида модел қонуни” йўналишларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Ривожланган давлатларнинг кодификациялаштириш тенденцияларини шу жумладан, Қирғизистон Республикасининг Рақамли кодексининг концептуал йўналишларини инобатга олиш лозим. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг рақамли ҳуқуқга оид норматив-ҳуқуқий базани тизимли таҳлил қилиб унинг асосларидан фойдаланиш зарур. Шунингдек, рақамли ҳуқуқ бўйича хорижий давлатлар олимлар ва экспертларининг фикр-мулоҳазаларини олиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, хорижий ҳамкор университетларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш лозим.Бундан ташқари, республикамиздаги тегишли манфаатдор ташкилотларнинг ҳулосаларини олиш уни маромига етказишда ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Рақамли ҳуқуқ фанининг илмий-методологик жихатдан асослантирилган Концепциясини ишлаб чиқиш малака имтиҳон талаблари ва паспортини ишлаб чиқишда ғоятда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Рақамли ҳуқуқ фанини клиник ва дуал тамойиллари асосида ўрганишнинг замонавий ўқув-услубий асослари.

Рақамли ҳуқуқ фанини клиник ва дуал тамойиллари асосида ўрганишнинг замонавий ўқув-услубий асосларини тизимли тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Эн аввало шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепция”сига кўра, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар

буюртмачиларини фаол жалб этишнинг истиқболли йўналишлари сифатида таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқув режалари ва дастурлари мазмуни ҳамда мутахассислик фанлари бўйича соатлар тақсимотини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш; битирув-малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини иқтисодиётнинг реал сектори, шунингдек ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла, ҳудудий объект) муаммолардан келиб чиқиб шакллантириш ҳамда мавзуларни тор камровда чуқур тадқиқ қилишга ўтиш; олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш; талабаларнинг тегишли соҳа бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда таълим жараёнидан ташқари вақтда меҳнат фаолияти олиб боришларига шарт-шароит яратиш; илмий-техник буюртма ва грантларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда мавжуд муаммоларга янгича ечим топиш, тажрибали амалиётчиларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш, таълимда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва амалий мисоллардан кенг фойдаланиш каби йўналишларда олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш; ишлаб чиқариш корхоналарида мутахассислик кафедралари филиаллари, олий таълим муассасалари ҳузурида ишлаб чиқариш корхоналари таркибий бўлинмаларини, технопарклар, бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлари фаолиятини ташкил этиш, технологиялар трансферини амалга ошириш орқали таълимнинг ишлаб чиқариш билан самарали ҳамкорлигини рағбатлантириш; ишлаб чиқариш корхоналарида дарс машғулотлари ва талабалар амалиётини самарали ташкил этиш тартибини такомиллаштириш, бунда амалий кўникмаларни тасдиқловчи сертификатлар бериш тизимини жорий этиш; олий таълим муассасалари тузилмасини ислоҳ қилиш асосида фаолияти талабалар амалиёти ва ишга жойлашишига ҳар томонлама қўмаклашиш, потенциал иш берувчилар рўйхатини шакллантириб бориш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек аввалги битирувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланишга қаратилган «Карьера марказлари»ни ташкил этиш; олий таълим муассасалари битирувчиларининг билим ҳамда кўникмаларини баҳоловчи марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш оид чора-тадбирлар назарда тутилган.

Хорижий давлатларнинг бир қатор олий ўқув юртларида бакалавриат ва магистратура йўналишлари бўйича Рақамли ҳуқуқ фани ўқитилмоқда ва бу фан бўйича махсус дарсликлар тайёрланган ва юридик таълим жараёнига жорий этилган. “Рақамли ҳуқуқ” йўналиши орқали талабаларни халқаро стандартларга мослаштирилган билим ва компетенциялар билан таъминлаш, шунингдек, хорижий профессор-ўқитувчиларнинг билим ва тажрибасини миллий таълим тизимига интеграция қилиш, юридик кадрларни тайёрлашда рақамли технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва педагог фаолиятини инновацион усулларда такомиллаштириш каби муҳим омиллар юридик таълимнинг сифатини ошириш, талабаларнинг рақобатбардошлиги ва халқаро майдонда кадр тайёрлаш салоҳиятини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Юридик таълимда рақамли педагогика ва сунъий интеллект технологияларини комплекс қўллаш орқали педагог ваколатлилигини ошириш ва таълим сифатини баҳолашнинг инновацион моделлари илмий асосларини фундаментал тадқиқ этиш юридик таълимни рақамли трансформациялашуви шароитида педагогик ва технологиявий жараёнларни концептуал интеграциялаштиришда янги босқичга олиб чиқади. Хорижий тажрибада дуал (амалиётга йўналтирилган) таълимни клиник юридик таълим билан (реал кейсларни ҳал қилиш орқали амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган) уйғунлаштириш кенг қўлланилади. Бу ёндашув стажировкалар, юридик клиникалардаги амалиёт, симуляция машғулотлари ва менторлик асосидаги ўқитиш орқали малакали юристларни тайёрлашга хизмат қилади. Назария билан амалиётни интеграция қилиш касбий ваколатлилиқ ва ахлоқий стандартларни шакллантиради. Айниқса, бундай тажриба АҚШ ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Қолаверса, Япония Канада давлатларида ҳам юристларни тайёрлашнинг ўзига хос тажрибаси шаклланган. Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, клиник таълим АҚШда шаклланган бўлиб, талабаларга ўқитувчилар назорати остида

реал ўқув ва амалий ишлар билан шуғулланиш имконини беради[47]. Юридик клиникалар орқали кам таъминланган аҳолига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади ва амалий кўникмалар ривожлантирилади[48]. Шунга монанд тарзда дуал тизим эса стажировкалар, юридик фирмаларда ўқиш ва ишлаш (apprenticeships), шунингдек амалий меҳнат фаолиятини ўз ичига олади. Бу талабаларга битирувгача бўлган даврдаёқ касбий муҳитга мослашиш имконини беради. Бундай амалиёт Буюк Британия ва Австралияда ҳам кенг қўлланилади. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, юридик клиник ва дуал таълимни уйғунлаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий ўқув дастурлар ҳар икки ёндашувни уйғунлаштиради яъни, талабалар университет клиникаларида клиник амалиёт ўташ билан бирга, юридик фирмалар ёки давлат органларида дуал стажировка дастурларида иштирок этадилар ва турли соҳаларда тажриба ортирадилар. Хорижий тажрибанинг асосий элементлари бўлмиш «Learning by doing» (амалиёт орқали ўрганиш)ни самарали қўллашни тақазо этади. Клиник ва дуал юридик таълимни уйғунлаштиришнинг натижалари энг аввало, ваколатлиликини таъминлаш мақсадида битирувчилар нафақат назарий юридик билимга, балки реал амалий тажрибага ҳам эга бўлиб, бу иш берувчилар томонидан юқори баҳоланади. Қолаверса, юридик касбий ва ахлоқий шаклланиш тамойилини рўёбга чиқариш учун юристнинг роли ва касбий ахлоқ нормаларини тез англаш имкони яратилади. Хорижий давлатларда, айниқса Германияда, юриспруденция соҳасидаги дуал таълим тизими олий таълим муассасасидаги назарий ўқишни корхоналарда (юридик фирмалар, давлат органлари) ҳақ тўланадиган амалиёт билан уйғунлаштиради[49]. Бу тизим 3–4 йиллик амалий тажрибага эга бўлган “тайёр” мутахассисни шакллантиради ва битирувчиларга иш фаолиятига дарҳол киришиш имконини беради. Натижада талабалар икки диплом ёки икки хил малакага эга бўладилар. Ҳозирги пайтда ушбу модел бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш учун фаол ўрганилмоқда. Асосий элементлари — талаба, олий таълим муассасаси ва иш берувчи ўртасидаги уч томонлама шартнома, доимий амалиёт ва меҳнатга ҳақ тўланиши бўлиб, бу академик тайёргарлик билан меҳнат бозорининг реал талаблари ўртасидаги тафовутни камайтиради. Амалдаги юридик клиник ва дуал таълим стандарти фақат айрим фанни назарда тутаяди, бу эса касбий фаолият соҳасининг рақамлаштирилиши шароитида мутлақо етарли эмас. Шундан келиб чиқиб, юристларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш анъанавий методлар, усуллар ва воситаларни замонавий, рақамли технологиялардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитиш усуллари билан уйғунлаштиришга таяниши лозим, деган хулосага келиш мумкин. Дарҳақиқат, олий таълим муассасаларида юридик клиникаларни ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар етарли тартибга солинмаган шунингдек, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, мазмуни ва талабаларни амалий кўникмаларга ўқитиш усулларига доир талаблар назарда тутилмаган, қолаверса уларнинг ҳуқуқсубъектлиги тўлиқ ўз аксини топмаган. Юридик клиникаларни ташкил этиш ва фаолиятининг қонунчилик асослари мукамал бўлмаганлиги сабабли уларнинг мақомини аниқ белгиланиши тақазо этади. Қонунчиликда улар мақомининг ноаниқлиги сабабли уларни амалиётда ташкилий-ҳуқуқий шакларини ривожлантириш имконияти яратилмаяпти. Назаримизда, юридик клиникалар бакалаврлар ва магистрлар учун таълим дастурининг мажбурий талаби сифатида белгиланиши лозим. Энг муҳими, уларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун устивор норматив-ҳуқуқий асос мавжуд бўлган тақдирдагина уларнинг имкониятларини алоҳида бир ёки юридик олий ўқув юртида эмас, балки қўллаб олий ўқув юртларида улар тизимни кенгайтириб талаба ва магистрларнинг касбий билим ва кўникмаларининг самарадорлигини ошириш шароити яратилиши мумкин. Клиник юридик таълим доирасида талаба ва магистрлар, аввало, махсус ўқув тайёргарликдан ўтишлари бу жараёнда миқдорли натижаларини эшитиш ва уларга юридик маслаҳат бериш учун ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериш орқали ишни ҳар томонлама қонунчилик талаблари ва улар натижаларининг иш учун муҳим бўлган ҳолатларига аниқлик киритиш таҳлил қилиш, юридик маслаҳат бериш, юридик ҳужжатлар тузиш техникаси, касбий одоб-ахлоқ хусусиятларини ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Ихтисослашган (тор йўналишли) клиникаларда музокаралар олиб бориш асослари медиатив келишувларни тузиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш техникаси ва бошқа ҳуқуқни қўллаш

хужжатларини расмийлаштириш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Фуқароларни қабул қилиш талабалар томонидан асосий ўқув жараёнидан бўш вақтда амалга оширилиши керак; аҳолига ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш бўйича клиникадаги ишлар, агар силлабусларда назарда тутилган бўлса, дарс машғулотлари жадвалига ҳам киритилиши мумкин. Юридик клиникада ишлаётган талабалар суд ва бошқа давлат органларида миждозлар манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эмаслар; улар фақат турли ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат беришлари ва юридик хусусиятга эга хужжатларни (даъво аризалари, шикоятлар, эътирозлар ва ҳ.к.) тузишлари мумкин. Шунингдек, аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш ва ҳуқуқий–тарғибот ишларини олиб боришлари мумкин. Юридик клиникаларни молиялаштириш, амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали ўқитувчи ва кадрлар билан таъминлаш, кўпчилик олий ўқув юртларида клиницистлар фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича ўқитувчилар юкламасини ҳисобга олиш масалаларини ҳал этиш талаб этилади. Амалиётга йўналтирилган йўналтирилган юридик таълимда иштирок этувчи ўқитувчиларни махсус малакасини ошириш тизимини яратиш ва унинг рақамли дастурий таъминотини яратиш ва уни ўхшаш юридик клиникалар рақамли интеграциясини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Таълим ташкилотлари базасида юридик клиникалар фаолиятини тартибга солувчи нормаларни миллий қонунчиликда тизимлашган ва унификациялашган тарзда назарда тутиш мазкур мумтоз ва замонавий тузилмаларнинг янада ривожланиши ва такомиллашувига хизмат қилади.

Ҳозирги шароитда янги комплекс ҳуқуқ соҳаси бўлган рақамли ҳуқуқ фанини ўрганишнинг ўқув-услугий асосларини ўрганиш айниқса, рақамли педогогик таълим самарадорлигини ошириш лозим. Илмий муомилага рақамли педагогика атамаси кириб келди ва у кенг қўлланилмоқда[50]. Рақамли педагогика-бу ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда педагогик фан ва амалиёт соҳаси, ўрганиш предмети ёрдами билан кадрларни тарбиялаш, таълим ва ўқитишнинг шакл ва усуллари ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, рақамли педагогика оддий усуллари амалга ошириш билан чекланмайди, рақамли технологияларни таълим жараёнига жорий этилади ва мумтоз педагогикани ўрнини инкор этмайди аксинча, мумтоз педагогикани тўлдиради ва ривожлантиради, янги рақамли реаллик шароитида унинг ечимининг самарадорлигини оширади. Рақамли педагогик таълим муҳитини яратиш орқали ўқув жараёни билан боғлиқ вазифаларнинг ечими аниқланади. Рақамли педагогикани ўрганиш ўз навбатида, конструктив ёндашувга асосланади. Бунда рақамли таълим жараёнининг асосий хусусияти турли технологиялар (масалан, телефон, интернет,) битта қурилмада ёки тизимда бирлашиши юз беради. Бошқача айтганда, (конвергенция) ёки педагогик ва рақамли технологияларнинг тўлиқ интеграцияси (қўшиш– уйғунлаштириш-биргаликда ишлатиш) жараёни юз беради. Бундай замонавий ёндашув орқали таълим сифатини оширишга муваффақ бўлинади. Рақамли технологиялар таълимдаги барча муаммоларни автоматик равишда ҳал қилади ва ўз-ўзидан таълим шароитларини яхшилашга олиб келади. Зеро, анъанавий ўқитиш услуги – лойиҳа усулими, маърузами, бинар маърузами ёки талабага йўналтирилган машғулотми-барча ҳолларда ҳам технологиядан фойдаланишга боғлиқ эмас. Бироқ, улардан фойдаланиш кўпинча тегишли ўқитиш услубининг самарадорлиги ва сифат жиҳатидан уни ўзгаришига олиб келади. Ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг фақат мақсадли ижобий ривожланиши ўқув жараёнини янада мослашувчан ва сифатли қилади десак, асло муболаға бўлмайди.

Хулоса ва таклифлар.

Биринчидан, юридик клиник ва дуал таълимда хусусан, рақамли ҳуқуқни ўқитишда ўқитувчининг оқилона назорат функцияси ва ваколати муҳим ўрин тутди. Юридик олий таълим муассасаси талабаси ўқув режаси ва таълим дастурида назарда тутилган барча дарсларни белгиланган муддатда бажариши, билимни эгаллаши, амалий кўникмага эга бўлиши, юридик олий ўқув юртининг уставига ҳамда ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. Рақамли ҳуқуқ фанини ўқитиш жараёнида ўқитувчи педагогик бошқарув бўйича бир қатор ҳуқуқларга, талабанинг билим олиши ва ўзлаштириши устидан

назорат; семинар ва амалий машғулотларда талабаларнинг билимини клиник ва дуал таълим тамойилларидан келиб чиқиб модул тизимига асосланилган талаблари асосида баҳолаши, тарбиявий-ахлоқий таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши; зарурат туғилганда университет одоб-ахлоқ қоидалари талабларига мувофиқ ҳолда талабани интизомий жавобгарликка тортиш бўйича иш юритувни амалга оширишда ташаббус кўрсатиш каби ҳуқуқларга эга.

Икинчидан, ўтмишдан фарқли равишда ҳуқуқшунослик соҳасида таълим олаётган талабанинг у ёки бу мутахассислик йўналиши бўйича предметни ўрганиш доираси тобора кенгайиб бормоқда. Агар илгари талаба билимларни асосан дарслик, ўқув қўлланма ва тегишли қонун ҳужжатларидан олган бўлса, ўқув жараёнига ахборот коммуникация технологияларининг қўлланилиши, глобал интернет тармоғидан турли хорижий тиллардаги илмий мақолалар, чет эл қонун ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари, медиация, рақамли суд, халқаро тижорат арбитражи, ҳакамлик судлари амалиётидан кенг фойдаланиш имкониятига эга. Шу боис кам меҳнат сарф қилиб кўпроқ натижага эришиши мақсадида талабаларни рақамли ҳуқуқ фани бўйича билимларини олиш, мустаҳкамлаш ва тегишли малака ва кўникмаларга эга бўлиши учун хорижий ва миллий рақамли ҳуқуқий манбашунослик соҳасида бир қатор арзигулик ишлар қилинганлигини эътироф этиш жоиз.

Учинчидан, рақамли технологиялар жадал ривожланаётган шароитда клиник ва дуал таълим тамойилларини қўллаган ҳолда юридик таълимни такомиллаштиришдаги энг кўзга ташланадиган муаммолардан бири — касбий юридик билим ва кўникмаларни ўргатиш ҳамда эгаллашнинг янги усуллари ва моделларини излашдир. Юристарни клиник ва дуал таълим асосида касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг комплекс рақамли инновацион моделини ишлаб чиқиш талаб этилади. Ушбу модел рақамлаштириш таркиби жихатидан қуйидаги элементларни ўз ичига олиши лозим: рақамли фуқаролик муомиласи ва жамият тараққиётининг барча соҳаларидаги рақамли реалликни ҳисобга олган ҳолда юристарни клиник ва дуал таълим тамойиллари асосида касбий тайёрлаш тизимини шакллантириш бўйича янги концептуал ҳамда ташкилий-бошқарув ёндашувларини ишлаб чиқиш; бу эса юридик таълимнинг янги йўналишлари (ихтисосликлари, профиллари)ни яратишда ўз аксини топиши керак; юридик олий таълим муассасалари талабаларининг рақамли ваколатларини ривожлантириш мақсадида юридик клиник ва дуал таълимнинг мазмун жихатидан компонентларини сифат жихатидан янгилаш; рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида янги компетенцияларни таклиф этиш ва жорий қилиш, ривожланган ҳуқуқий экотизим шароитида фаолият юрита оладиган юристар корпусини тайёрлашга қаратилган компетенциявий ёндашувнинг янги стандартини шакллантириш; профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи-тьютор ходимларнинг тармоқли электрон ҳамкорликни самарадорлигини амалга ошириш, онлайн клиник ва дуал таълим учун рақамли контент яратиш, фанга оид компетенцияларни баҳолаш ва ривожлантириш соҳасида юқори даражада тайёрланган бўлиши; рақамли даврда кундузги, масофавий, виртуал ва интерактив таълим форматлари ўқув жараёнида рақамли клиник ва дуал таълим ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни талаб қилади; рақамли технологиялар шароитида ўқув жараёнини клиник ва дуал тамийиллари асосида таъминлашнинг сифат жихатидан янги замонавий методик асосини яратиш, унга онлайн клиник ва дуал курслар ва маслаҳатлар, очиқ фойдаланишга мўлжалланган гипермедиа дарсликлар, тренинг-тест тизимлари, ўйин (ролли) интернет-иловалар, савол-жавоб ва таълимий чат-ботлар ва бошқалар киради;

Тўртинчидан, юридик клиник ва дуал таълимда кенг қўламли рақамли технологияларни жорий этиш истиқболларини баҳолаш жараёнида муайян хавф ҳам мавжудлигини инобатга олиниши, юридик клиник ва дуал таълимда рақамли технологияларга ҳаддан ташқари устуворлик берилиши мумтоз, анъанавий таълим усуллари ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Ҳолбуки, айнан юристарни тайёрлаш тизимида мазкур анъанавий ёндашувларнинг аҳамиятини ортиқча баҳолаб бўлмайди. Юридик таълим тизимидаги яна бир муаммо-амалдаги давлат таълим стандартларида «Юридик фаолиятда рақамли технологиялари» деб шартли номланиши мумкин бўлган алоҳида касбий тайёргарлик бўлими

доирасида зарур миқдордаги ўқув фанларининг мавжуд эмаслигидир. Амалдаги клиник ва дуал таълим стандарти фақат айрим ҳуқуқий фанларни назарда тутди, бу эса касбий юридик фаолият соҳасининг рақамлаштирилиши шароитида мутлақо етарли эмас. Шундан келиб чиқиб, юристларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш анъанавий методлар, усуллар ва воситаларни замонавий, рақамли технологиялардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитиш усуллари билан уйғунлаштиришга таяниши лозим. Бундан ташқари, рақамли технологиялар салоҳиятидан фойдаланилган замонавий юридик клиник ва дуал таълим тизимида яна бир жуда муҳим жиҳат мавжуд бўлиб, у юридик фан, юридик таълим ва юридик амалиёт (фаолият) ўртасидаги ўзаро нисбатда ёрқин намоён бўлади.

Бешинчидан, ҳозирги кунда фақат малакали юристларга эмас, балки рақамли дастурлаш асосларини тушунадиган ва мустақил равишда дастурлар туза оладиган мутахассисларга бўлган талаб шаклланмоқда. Шу муносабат билан Legal Tech бакалавриат таълим дастурини шакллантириш устивор вазифа ҳисобланади. Ушбу рақамли дастурнинг асосий мақсади — шартномалар тузиш, тижорат компанияларини аудит қилиш, айниқса смарт-контрактларни ишлаб чиқиш каби юридик муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган дастурларни яратиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур таълим дастурининг 40 фоизи информатика ва математика фанларидан ташкил топган бўлиб, айнан шу асосда талабалар Python ва C++ дастурлаш тилларида тегишли дастурларни ишлаб чиқишлари лозим. Бу дастурлар юристлар учун восита сифатида хизмат қилади ва айрим соҳаларда ҳатто юристларнинг ўрнини босиши ҳам мумкин. Шунингдек, бу дастурларга сунъий интеллектни интеграция қилиш ҳам назарда тутилган. Ушбу соҳадаги алоҳида тадқиқот йўналишларидан бири — юридик соҳада муайян атамаларни автоматик тарзда фарқлай оладиган, яъни классификаторлар деб аталувчи тизимларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Рақамли трансформация шароитида сунъий интеллект (СИ) технологиялари барча соҳалар қатори юридик таълим тизимида ҳам жадал кириб бормоқда. Ҳужжатлар таҳлили, ҳуқуқий тадқиқотлар, суд амалиётини ўрганиш, моделлаштириш ва таълим жараёнини индивидуаллаштиришда СИ имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга, сунъий интеллектдан фойдаланиш таълим сифатини ошириш билан бир қаторда ҳуқуқий, ахлоқий ва институционал муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон қонунчилигида рақамли технологиялар ва таълим масалалари умумий нормалар билан тартибга солинган бўлса-да, сунъий интеллектдан айнан юридик таълимда фойдаланишга оид аниқ қоидалар, чекловлар ва қафолатлар етарли даражада белгилаб берилмаган. Бу эса академик ҳалоллик, муаллифлик ҳуқуқи, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, СИ томонидан яратилган натижаларнинг ишончлилиги каби масалаларда ҳуқуқий ноаниқликларни келтириб чиқаради. Хорижий тажриба ушбу соҳани қонунчилик даражасида тартибга солиш муҳимлигини кўрсатади. Масалан, Европа Иттифоқида сунъий интеллектни тартибга солишга қаратилган AI Act лойиҳасида таълим соҳасида қўлланиладиган СИ тизимлари юқори хавфли тоифага киритилиб, уларга нисбатан шаффофлик, жавобгарлик ва инсон назорати талаблари белгиланган. АҚШ ва Буюк Британияда эса юридик таълим муассасалари учун СИдан фойдаланиш бўйича махсус одоб-ахлоқ қоидалар ва институционал йўриқномалар ишлаб чиқилган. Бу тажрибалар СИни таълимга жорий этишда ҳуқуқий асос ва аниқ меъёрлар зарурлигини тасдиқлайди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида юридик таълимда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш мақсадида бир қатор нормаларни миллий таълим қонунчилигида назарда тутиш мақсадга мувофиқ: Биринчидан, умумий қоидалар бўлимида сунъий интеллект, алгоритм, автоматлаштирилган қарор, юридик таълимда СИдан фойдаланиш тушунчалари, қонуннинг мақсади ва қўлланиш доираси белгиланиши лозим. Иккинчидан, юридик таълимда сунъий интеллектдан фойдаланиш принциплари бўлимида инсон ҳуқуқи устуворлиги, академик ҳалоллик, шаффофлик, холислик, маълумотлар хавфсизлиги ва инсон назорати принциплари мустаҳкамланиши керак. Учинчидан, таълим жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлимида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва таълим муассасаларининг СИдан фойдаланишдаги ҳуқуқлари, чекловлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланиши лозим. Тўртинчидан, сунъий

интеллект тизимларига қўйиладиган талаблар ва назорат механизмлари бўлимида қўлланиладиган СИ воситаларини сертификатлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва давлат томонидан назорат қилиш тартиби назарда тутилиши мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, юридик таълимда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш мақсадида бу ҳақдаги нормаларни миллий таълим қонунчилигида такомиллаштирилиши ўз навбатида, таълим сифатини ошириш, инновацияларни хавфсиз жорий этиш, талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва миллий юридик таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистонда рақобатбардош, замонавий ва масъулиятли юристларни тайёрлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Сунъий интеллектни амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқитиш учун миллий маълумотлар платформасини яратиш, давлат органлари ва бизнес учун шахсга доир бўлмаган маълумотлар массивларига кириш имкониятини таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Юриспруденцияда сунъий интеллектдан фойдаланиш стандартларини ишлаб чиқиш, жумладан алгоритмларнинг аниқлиги, хавфсизлиги ва этиклигига қўйиладиган талабларни белгилаш. Адлия вазирлиги ҳузиридаги юристларни малакасини ошириш институтида юристларни қайта тайёрлаш дастурларини ишга тушириш, рақамли кўникмалар ва сунъий интеллект билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Одил судлов Академиясида рақамли суд судьялари айниқса, сунъий интелект технологиялари билан ишлаш бўйича судья ва суд ходимларин ўқитиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси асосида махсус дастурий таъминот ишлаб чиқиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради. Энг муҳими, сунъий интеллект, рақамли платформалар ва ҳуқуқий аналитика билан ишлаш компетенцияларини ўз ичига олган «рақамли юрист» касбий стандартини тасдиқлаш талаб этилмоқда. Адлия, суд ва бошқа юридик фаолият соҳасидаги рақамли воситалар таҳдид эмас, балки юристларга ижодий технологик ёндашув ва стратегияга кўпроқ эътибор қаратиш имкониятидир. Компьютер инсонни алмаштирмайди, балки унинг «экскаватори»га айланиб, рутин ишларни енгиллаштиради. Муваффақият касбнинг ўзгаришларга мослаша олишига, давлатнинг эса ушбу жараёни самарали тартибга солишига боғлиқ. Рақамли ҳуқуқнинг тадрижий ривожланиши давлат ва жамиятнинг объектив ривожланиш қонуниятларига мос келишини инобатга олсак, унинг йўналишини юристлар, IT-мутахассислар ҳамда ижтимоий рақамли трансформациялашаётган давлатнинг ижтимоий шериклиги ва ҳамкорлигига чамбарчас боғлиқдир.

Олтинчидан, хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаларини инобатга олиб Ўзбекистон Республикасининг клиник ва дуал таълимнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш истиқболли вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув ва рақамлашув шароитида таълим тизимидан фақат назарий билим эмас, балки амалий кўникмаларга эга, рақамли меҳнат бозори талабларига мос ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Айниқса, юридик таълим соҳасида битирувчиларнинг амалий тайёргарлиги етарли эмаслиги муаммоси кўплаб мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади. Клиник таълим — бу талабаларнинг ўқув жараёни давомида реал ҳуқуқий масалалар билан ишлаши, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш орқали амалий тажриба орттиришини назарда тутувчи таълим шаклидир. Дуал таълим эса таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликка асосланиб, назария ва амалиётни уйғунлаштиришни мақсад қилади. Ўзбекистонда бу йўналишлар муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қисман акс этган бўлса-да, уларни комплекс тарзда тартибга солишчи махсус норматив ҳуқуқий асос мавжуд эмас[51]. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, клиник ва дуал таълимни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, АҚШ, Германия, Франция ва Жанубий Корея каби мамлакатларда клиник ва дуал таълим давлат таълим сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. АҚШда юридик клиникалар олий таълим стандартларига киритилган бўлиб, талабаларнинг ҳуқуқий малакасини шакллантиришда асосий механизм сифатида хизмат қилади. Германияда эса дуал таълим тизими қонун билан мустаҳкамланган ва иш берувчиларнинг таълим жараёнидаги иштироки аниқ тартибга солинган.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикасида қабул қилиниши мумкин бўлган клиник ва дуал таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси қуйидаги асосий бўлимлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ: Биринчидан, умумий қоидалар бўлимида клиник ва дуал таълим тушунчалари, мақсад ва вазифалари, асосий принциплари белгиланиши лозим. Иккинчидан, клиник таълимни ташкил этиш тартиби бўлимида юридик клиникаларнинг мақоми, уларнинг таълим жараёнидаги ўрни, талабалар, ўқитувчилар ва манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилиши керак. Учинчидан, дуал таълимни амалга ошириш механизмлари бўлимида таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги шартномалар, амалиёт ўташ тартиби, меҳнат ва ижтимоий кафолатлар масалалари тартибга солиниши лозим. Тўртинчидан, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва назорат бўлимида молиялаштириш, мониторинг, баҳолаш ва сифат назорати масалалари қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда “Рақамли клиника[52] ва дуал таълим тўғрисида”ги алоҳида қонун қабул қилиниши ҳуқуқий таълим сифатини ошириш, амалий кўникмаларга эга рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва таълим билан меҳнат бозори ўртасидаги узвий алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса мамлакатнинг инсон капитали ва рақамли ижтимоий ва ҳуқуқий давлат сифатидаги ривожини учун муҳим қадам бўлади.

